



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДЕПОЗИТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ



Собирова Нозима Нормат қизи
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада тижорат банкларининг депозит операциялари ва уларни вужудга келишининг назарий асослари ўрганилган. Депозитларнинг назарий жиҳатлари хуқуқий ва илмий асослари тизимлаштирилган. Депозит операцияларининг жиҳатдан вужудга келиши ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар илмий асарлари асосида тадқиқ этилган. Тадқиқотлар асосида муаллифнинг мустақил илмий ёндашувларин шакллантирилган ва асосланган. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида илмий таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, мажбуриятлар, пассив операциялар, депозит.

Аннотация: В статье рассматриваются депозитные операции коммерческих банков и теоретические основы их создания. Систематизированы правовые и научные основы теоретических аспектов депозитов. Появление депозитных операций изучено на основе научных трудов узбекских и зарубежных ученых. Самостоятельные научные подходы автора сформированы и основаны на исследованиях. В результате проведенных научных исследований были разработаны научные предложения и выводы.

Ключевые слова: коммерческие банки, пассивы, пассивные операции, депозит.

Abstract: The article examines the deposit operations of commercial banks and the theoretical basis of their creation. The legal and scientific foundations of theoretical aspects of deposits are systematized. The appearance of deposit operations has been studied on the basis of the scientific works of Uzbek and foreign scientists. Independent scientific approaches of the author are formed and based on research. As a result of the conducted scientific research, scientific proposals and conclusions were developed.

Key words: commercial banks, liabilities, passive operations, deposit

Кириш

Жаҳон мамлакатлари тажрибасида ҳам тижорат банкларининг маблағлар жалб этиши мажбуриятлар шаклланишининг асосий омили бўлиб хизмат қиласди. Кўплаб тажрибаларда депозитлар мажбуриятлар таркибидаги улуши сезиларли катта улушга эга ҳисобланади. Шу боисдан ҳам банкларнинг депозит операциялари маблағлар жалб этилишида устуворлик касб этади. Бу эса, банклар томонидан депозит сиёсатини амалга оширишда рақобатбардошлик ва жозибадорликни таъминлашни эътиборга олиши долзарблик касб этади.

Хозирги кунда кўплаб инсонлар мобил қурилмалардан фойдаланган ҳолда ҳаёт тарзларини шакллантиришмоқда. Бу эса, банкларга ҳам мобил қурилмалар орқали жисмоний шахсларни жалб этишга бўлган заруратни вужудга келтирмоқда.

Ўзбекистон тижорат банкларида жисмоний шахсларнинг депозитлари учта турга ажратилган ҳолда амалга оширилади. Улар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 26 нобярдаги “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 20/4-сон қарори асосида қуидаги ҳисобварақларда юритилади:

20206 Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари;

20406 Жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари;

20606 Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари.

Мамлакатимиз банк амалиётида уч турдаги депозит операциялари амалга оширилади ва уларнинг ҳисоблари банклар томонидан мос равишда юқорида кўрсатилгани каби олиб борилади. Бу эса, депозит операцияларининг шунга мос равишда тадқиқ этилиши ва уни такомиллаштиришга нисбатан илмий хulosалар берилишини келтириб чиқаради.

Умуман олганда, жаҳон ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда депозитлар моҳияттан учта турга бўлинниб ўрганилган бўлсада, уларнинг номланишида айрим фарқлар қузатилиши мумкин. Кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий асарларида депозитларга нисбатан хulosалар шакллантирилган ва улар асослашга ҳаракат килинган. Шу нуқтаи назардан, биз ўзбекистонлик ва хорижлик олимларнинг илмий нашрларини ўрганган ҳолда тижорат банкларнинг жисмоний шахслар депозит сиёсатига нисбатан илмий ёндашувларни шакллантиришга ҳаракат киласиз.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда назарий қарашларни тизимлаштирилган. Улар эмпирик тадқиқотларнинг назарий хulosаларини қиёсий баҳолашга имкон берувчи методлар асосида шакллантирилган. Тадқиқотлар асосида назарий-илмий хulosалар шакллантирилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Доц. С.Рахимов банкларнинг депозит сиёсатига доир бўлган илмий тадқиқотни амалга оширган [1]. У ўзининг тадқиқотида депозит сиёсатида юридик ва жисмоний шахсларга алоҳида ажратмаган тарзда олиб борган. Банк омонат сиёсатида фоиз ставкалари асосий рол ўйнаши таъкидланиб, фоиз ставкаларининг юқори бўлиши пул қўювчилар сонининг ортишига замин ҳозирлаши таъкидлаб ўтилади. “Хозирги шароитда банкларнинг депозит сиёсатини ишлаб чиқишида фоиз ставкаларининг турлари, реал ва номинал, ижобий ва салбий, шартномавий фоиз ставкалари ва банклараро бозордаги фоиз ва уларни амал қилиш тартибини қатъий белгилаб қўйиши керак. Шу орқали банк ўзининг депозит сиёсати самарадорлигини ошириб бориши мумкин” деб айтиб ўтади.

Ушбу тадқиқотда банкларнинг депозит сиёсати жисмоний ва юридик шахслар нуқтаи назаридан таснифларга ажратилмаган. Ундаги хulosалар ҳам алоҳида шахслар гурӯхини қўзда тутмайди, бу эса тадқиқотни алоҳида объектларга

қаратилган ҳолда амалга оширишга бўлган заруратни келтириб чиқаради, деб ўйлаймиз.

проф. А.Бектемиров ва бошқаларнинг илмий ишларида тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлаш борасидаги айрим хуносалар шакллантириб берилган [2]. Жумладан, уларнинг фикрича, банкнинг депозит базасида талаб қилиб олингунга қадар сақланадиган депозитлар миқдорига кўра биринчи ўринни эгаллаши қайд этилади. Бу эса, Марказий ланқдаги ностро ҳисобварағда катта миқдорда маблағ сақлаб туришга ва даромад келтирмайдиган ресурс шаклланишига олиб келаётганлиги таъкидлаб ўтилади.

Доц. З.Рахманов ўзининг илмий ишида банкларнинг ривожланиш стратегиясини шакллантириш бўйича илмий хуносаларни шакллантириб беради. Жумладан, банк томонидан жалб этилган депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари сезиларли ўзгаришларни намоён қилмаганидан далолат беради, деган хуносани келтириб ўтади. Шунингдек, банкларнинг стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилган эконометрик моделни тузишда депозитларнинг рискка тортилган активлари билан ўзаро корреляцияси кичик эканлиги қайд этиб ўтилади [3].

А.Махамаджанов ўзининг илмий изланишларида банкларнинг стратегиясини мижозга йўналтирилган фаолият асосида такомиллаштиришга эътибор қаратади. Унинг фикрича, “Ўзбекистон банк депозиторлари базасида сақланаётган мижозларнинг ҳисоб вараклари сони йилдан-йилга ортиб бориши қузатилаётган бўлсада банк хизматлари бўйича аҳолини қамров даражаси ҳалигача юқори эмас [4]” деган илмий хуносани асослашга ҳаракат киласди.

Келтириб ўтилган илмий хуносаларда депозит сиёсатини амалга оширилишида вужудга келаётган айрим мураккабликлар санаб ўтилган. Унга кўра, талаб қилиб олингунга қадар депозитлар учун мажбурий захирани яратишда даромад келтирмайдиган ресурсларнинг шаклланиши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, депозитларнинг фоиз ставкалари айрим тижорат банкларида сезиларли таъсирга эга бўлмаганилиги ва активларнинг барқарорлигини таъминлашда таъсири кам бўлганлиги жиҳатлар шулар жумласига киради. Шунингдек, мижозларнинг ҳисобварақлари сони ошиши билан молиявий хизматлар билан аҳолини қамраб олиши кузатилмаётганлиги қайд этиб ўтилади. Бу эса, жисмоний шахслар учун банкларнинг депозит сиёсатида айрим мураккабликлар мавжудлигини акс эттириб беради, деб ўйлаймиз.

доц. М.Абдурахмонова ўзининг илмий изланишларида банкларнинг депозит сиёсати билан боғлиқ молиявий сиёсатни таҳлил этишга эътибор қаратади. Жумладан, “Депозитларга тўланадиган фоизли харажатлар салмоғининг барқарорлигини таъминлаш лозим. Бунинг учун ойлик ва чораклик даврий оралиқларда фоизли харажатлар таркибида депозитларга тўланган харажатларнинг салмоғини таҳлил қилиб бориш зарур. Ушбу салмоғнинг пасайиши кузатилган тақдирда, бунинг сабабларини аниқлаш лозим. Кўпчилик ҳолларда депозитларга тўланган фоизли харажатлар салмоғининг пасайиши қимматли коқозларга тўланган фоизли харажатлар салмоғининг ошиши ҳисобига юз бериши мумкин [5]” деб таъкидлаб ўтади.

Тадқиқотчи С.Аллаберганов ўзининг тадқиқотида банкларнинг депозит операциялари тенденциялари таҳлил этиб ўтади [6]. Банклар томонидан депозитлар жалб этишда юридик шахслар учун фоиз ставкаларини жозибадорлиги ва жисмоний шахслар учун эса нақд кўринишдаги пулларни тақдим этиш имкониятини жорий этишни таклиф этади. Шунингдек, депозитлар бўйича муддатларга амал қилиш зарурлигини қайд этиб ўтади.

Юқорида келтирилган илмий ёндашувларда банкларнинг депозит сиёсати билан боғлиқ тенденциялар қайд этиб ўтилган. Унга кўра депозитларнинг жозибадорлигини таъминлашда уларнинг фоиз ставкалари ва ўз вақтида, зарур бўлганда нақд пул кўринишида ҳам тақдим этиш имкониятларини назарда тутилиши таъкидланади. Бизнингча, банкларнинг депозит сиёсатларида жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб этишда тизимли таҳлил ва ўрганишларни амалга ошириш долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистонлик олимларнинг илмий тадқиқотларини ўрганиш натижасида қўйидаги мустақил илмий ёндашувларимизни ишлаб чиқишига ҳаракат қилдик:

- депозит сиёсатини шакллантиришда жисмоний ва юридик шахслар учун илмий тадқиқотлар асосида илмий асосланган хуносаларни шакллантириш зарур бўлади;

- жисмоний шахслар учун депозит сиёсатида фоиз ставкаларини реал ва номинал кўринишларини тақдим этиш орқали мижозлар учун танлов имкониятини яратиш;

- жисмоний шахсларнинг банк пластик карталарида бўш пул маблағларини банклар томонидан кешбек тўлаш тизими орқали ҳам жалб этишни жорий этиш. Унда қисқа ва узоқ муддатли маблағлар сақланиб туришига эътибор қаратиш орқали фоиз ставкаларини табақалаштирилиши муҳим;

- депозит орқали шаклланган мажбуриятларни активларга йўналтирилишида уларнинг юқори рентабеллик бўлишига эътибор қаратиш, бироқ юқори ликвидлик активлар улушкига устуворликни бермаслик. Бошқача айтганда, захира маблағ (пул)лари ёки олтин кўринишида активларга таяниб қолмасликни назарда тутиш;

- аҳоли томонидан мобил иловалар орқали депозитларга маблағлар йўналтирилишига урғу бериш. Бунда транзакцион, жорий харажатлар кам бўлишига ва мижозларни масофадан туриб жалб этиш имкониятига эътибор қаратиш;

- банкларда мобил иловалар орқали депозитлар фоиз ставкаларини тўлашда бошқа банк пластик карталарига ҳам тўғридан-тўғри йўналтиришда қулай бўлишига эришиш лозим, деб ўйлаймиз.

Бизнингча, жисмоний шахслар бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этишда қўйидаги омилларга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- аҳолининг реал даромадлари ошиб бориш тенденциялари;
- аҳолининг даромадлари таркибида истеъмол ва жамғариш харажатлари улушининг нисбати барқарорлигига;

- мамлакат тўлов балансида соф экспорт қолдиклари ижобий ёки салбий тенденцияларни ифода этаётганлиги. бунда алмашинув курсини таҳлил қилиб боришни назарда тутиш;
- инфляцион кутилмаларни ривожланиш тенденцияларига;
- жисмоний шахслар учун молия бозорида иштирок этиш имкониятлари ва қимматли қоғозларнинг дивиденд тўлаш даражасининг қандай ҳолатда эканлиги кабиларни инобатга олиб депозит сиёсатини шакллантириш ҳам ўзининг ижобий натижасини беради, деб ўйлаймиз.

Ликвидлик тузоги – фоиз ставкаларининг паст бўлиши натижасида аҳоли жамғармаларини сақлаб туриши ва уни истеъмолга ёки инвестицияга йўналтирмаслиги билан ифодаланади. Бунда жамғармаларнинг даромадлилик даражаси пасайиб кетиши ёки инфляцион кутилмалардан ортиқ даромад келтира олмаслиги билан изоҳлаishi мумкин.

М.Брисз ўзининг тадқиқотида банклар 1970 йилдан кейинги даврларда иқтисодиётни рафбатлантиришда пул массасини оширишдан кўра, инфляцион жараёнлар билан курашишни афзал кўраётганлигини таъкидлаб ўтади [7]. Унинг фикрича, ликвидлик тузоги бир қатор ҳолатларда юзага келиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилади: 1) пул массасининг фоиз ставкаларига уйғун эластиклиги; 2) пул массасининг даромадларга уйғун эластиклиги; 3) молиявий воситачилик нархининг ошиши; 4) ишлаб чиқариш ҳажмининг фоиз ставкаларига нисбатан сезувчанлигининг ортиши кабилар келтириб ўтилади.

П.Кругман ва бошқалар ликвидлик тузогига нисбатан ўзларининг ёндашувини ишлаб чиқади [8]. Уларнинг фикрича, ликвидлик тузоги вужудга келишида фоиз ставкаси (ϕ), дисконт омил (d), H^* - келажақдаги нарх, H – жорий нарх (H), жорий ва истиқболдаги қийматнинг ўзаро нисбати (k^*/k), риск омили (p) каби кўрсаткичларнинг ўзаро мажмуи билан ифодалаб берилади. Уни биз қуйидаги 1.1- формула орқали янада аниқроқ кўришимиз мумкин:

$$1 + \phi = \frac{H^*}{dH} \left(\frac{k^*}{k} \right)^p \quad (1.1)$$

П.Кругман ва бошқалар таъкидлашича, келажақдаги нархлар ўзгармаган ҳолда жорий нархлар ошганда иқтисодиётда дефляция вужудга келади ва фоиз ставкаси тушади. Номинал фоиз ставкаси манфий бўлган ҳолда эса маблағ эгаси молия бозорига инвестициядан кўра пулни ушлаб туришни афзал кўради. Натижада, пул массасининг ортиши иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатмайди.

Бизнингча, тижорат банкларида депозит сиёсати орқали аҳоли жамғармаларини жалб этиш орқали иқтисодиётта ёрдам бериш мумкин бўлади. Бу эса, нафақат банклардан балки монетар регулятордан ҳам эътиборни талаб этади. Шу боисдан, мавжуд пул массасини иқтисодиётда қайта тақсимлаш самарадорлигини ошириш учун инфляция даражасининг кам бўлиши муҳим аҳамиятта эга ҳисобланар экан.



2-расм. Аҳоли даромадларининг депозитларга жалб этишнинг макроиқтисодий ҳолати

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аҳоли даромадларининг молия бозорига кўчиб ўтиши орқали бўш пул маблағларини қайта таксимлаш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиш мумкин бўлади. Ликвидлик тузоги моҳиятига кўра, аҳоли депозитларга ишонмаган ҳолатлар вужудга келганда жамғармалар инвестицияга айланиши тўхташи мумкин. Бу эса, иқтисодий ўсишни таъминлашда мураккаб вазиятларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Натижада, банкларнинг депозит сиёсатидаги айrim жиҳатлар фойдасиз бўлиб қолади.

Таҳлил ва натижалар

Бизнингча, аҳоли жамғармаларини банк депозитларига жалб этишда банкларнинг мижозларни жалб этишга қаратилган ёндашувлари, жумладан ёш, жинс, даромад даражаси, ижтимоий ҳолатнинг бошқа омилларини инобатта олиниши билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тадқиқотимиз давомида мазкур кўрсаткичларни таҳлил этишга ҳаракат қиласиз.

Россиялик бошқа олимлар тижорат банкларининг депозит сиёсатига нисбатан ўзларининг илмий хуносаларини шакллантириб беришади. Жумладан, О.Одоева ва бошқалар банклар депозит сиёсати омилларини икки гурӯхга ажратишади [10]. Улар ички ва ташқи омилларга асосланган ҳолда бўлиши ва шунга мос равища сиёсатни амалга оширишни тавсия этишади (2-жадвал).

Фикримизча, тижорат банкларининг депозит сиёсатини таҳлил қилиб борища икки жиҳатдан амалга ошириш мақсадга мувофиқ экан. Биринчидан, молиявий кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденциялари миқдорий таҳлили, иккинчидан депозит сиёсатининг инфратузилмавий шакли таҳлили. Миқдорий таҳлилни амалга оширганимизда молиявий кўрсаткичлар ва уларнинг ҳолатини баҳолашга нисбатан имконият вужудга келади. Бу эса, банкнинг молиявий сиёсатини тақомиллаштиришда хизмат қиласиз.

1-жадвал

Тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлиги мезонлари

Мезон номи	Формула	Мезон мазмуни
Маржа фоизи	Маржа фоизи = (жойлаштирилган маблағлар фоизи – депозит хисобварақлари бўйича тўланган фоизлар)/даромадли активларнинг ўртаси ҳажми *100%	Қабул қилинган ва тўланган фоизларни, улар орасидаги фарқни ва уларнинг банк рентабеллигига таъсирини акс эттиради.
Соф СПРЭД	СПРЭД=(жойлаштирилган маблағлар фоизи/жорий даврга жойлаштирилган кредитлар)*100%-(депозит хисобварақлари бўйича тўланган фоизлар/жорий даврга жалб этилган депозитлар)*100%	Формулада қўлланиладиган депозит фоизлари банк сиёсатини шакллантиришда асосий хисобланади
Маблағларни депозитга қўйиш даражаси	$Y_o = (\text{йил охирига депозит қолдиғи} - \text{йил бошига депозит қолдиғи}) / \text{депозит бўйича тушумлар} * 100\%$	Кўрсаткичнинг ўсиши банк учун қулай бўлиб, банкка уй хўжаликлари маблағлари оқимини кўрсатади
Маблағларни сақлаш ўртаси муддати	$M_m = \text{депозитларнинг ўртаси} = \frac{\sum \text{бериш ўртаси}}{\sum \text{айланма ҳажми}} * \text{жорий даврда кунлар сони}$	Банкдаги маблағларнинг сақланиш муддатини ва улардан ўзлаштиришда фойдаланиш имкониятини хисоблайди
Жалб этилган ресурсларнинг ўртаси қиймати	$K_p = \text{ресурсларни жалб этиш харажатлари} / \text{жорий даврга жалб этилган ресурслар ўртаси} = \frac{\sum \text{харажатлари}}{\sum \text{жалб этилган ресурслар ўртаси}}$	Ресурсларни жалб қилишнинг ўртаси нархини хисоблаш имконини беради. Энг арzonлари талаб қилиб олинмаган депозитлар бўлиб, улар ўртаси 1% тўлайди.
Жалб этилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги (МФС)	$MFC = \text{жалб этилган ресурсларга харажатлар} / \text{маржа фоизи}$	Даромаднинг таннарх бирлигига нисбатини очиб беради

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Н.Климовских ўзининг тадқиқотида тижорат банкларининг депозит сиёсатини баҳолашга қаратилган илмий хуносаларни шакллантиришга эътибор берган (1-жадвал) [9]. Мазкур жадвалда жалб этилган маблағлар – депозит сиёсатининг самарадорлик даражасини баҳолаш мезонлари келтирилган. Унга кўра, ҳар бир

жалб этилган қийматта нисбатан сарф этилаётган маблағларнинг нисбати каби жиҳатларга ҳам этибор берилган.

2-жадвал

Тижорат банклари депозит сиёсати омиллари

Ташқи	Ички
Россия МБ ҳисоб ставкаси миқдори	Банк рентабеллиги, ликвидлиги ва ишончлилиги
Тижорат банклари мажбурий захира мезонлари	Узоқ, ўрта ва қисқа муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкалари
Инфляцион кутилмалар	Банк депозит хизматларининг универсаллиги
Аҳоли даромадлари динамикаси	Банкнинг маркетинг сиёсати
Пул-кредит сиёсати бозорининг ривожланиши тенденцияси ва ҳолати	Банк технологияларининг ривожланиши
Молия бозоридаги спекулятив операциялар ҳажми	Банкомат ва бўлинмаларнинг кенг тарқалганилиги
Мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазият	Банкнинг корпоратив ва мижоз сиёсати
Хуқуқий-меъёрий қонунчилик барқарорлиги	Персоналларнинг таснифи

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Хуноса

Инфратузилмага доир кўрсаткичларни таҳлил қилганимизда депозит сиёсатини олиб боришга хизмат қилувчи институтларнинг жорий ҳолатини баҳолашга имкон туғилади. Бу эса, монетер регуляторга тегишли айrim молиявий сиёсатни такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин. Шу боисдан, тижорат банкларининг депозит сиёсатини амалга оширганда ҳам миқдорий, ҳам инфратузилмавий тенденцияларни инобатта олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бизнингча, тижорат банкларининг жисмоний шахслар учун депозит сиёсатида бир қатор омилларга ўзининг аҳамиятига эга эканлигини инобатта олиш лозим экан. Жумладан, тижорат банклари депозит сиёсатининг (ички) молиявий кўрсаткич омилларини инобатта олиниши, инфратузилмавий (ташқи) омилларни баҳолаш каби жиҳатлар муҳим ўрин тутади. Шунингдек, банкларга жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағ (жамғарма)ларини жалб этишда молия бозорининг жозибадорлиги рақобат муҳитини яратиш билан бирга, кредит бериш имкониятини пасайтиришини ҳам инобатта олиш лозим бўлмоқда. Шу боисдан, жисмоний шахсларнинг жамғармаларини депозитларга жалб этишда ҳам макроиқтисодий, ҳам микроиқтисодий омилларни аниқланиши ва баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Рахимов С.А. Инновацион иқтисодиётда банкларнинг депозит сиёсати самарадорлигини ошириш йўллари: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. –Т., 2021. –50 б.

2. Бектемиров А., Маликова Д.М., & Бўтаев Ж.Э. (2023). Тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари. *Journal of marketing, business and management*, 2(2), 167-174.
3. Рахманов З.Я. Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т., 2018. – 54 б.
4. Махамаджанов А.М. Мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш асосида тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т., 2023. – 56 б.
5. Абдурахманова М.М. (2022). Иқтисодиётнинг очиқлиги муҳитида тижорат банкларининг жамғарма операцияларини такомиллаштириш йўллари. Ўзбекистон Республикаси ҳаракатлар стратегияси: макроиқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари: Залқаро илмий-амалий конференция илмий маъруза ва мақолалар тўплами. – Т., 27-28 май, 2019. – Б. 71-75.
6. Аллаберганов С. (2022). Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида депозитларни жалб қилиш амалиёти. *Iqtisodiyot va ta’lim*, 23(2), 51-57.
7. Brycz M. (2012). Keynesian and Monetary Approach to the Liquidity Trap-looking for cointegration evidence from 2008–Crisis in the United States. *Journal of International Studies*, 5(2).
8. Krugman P.R., Dominquez K.M., & Rogoff K. (1998). It's baaack: Japan's slump and the return of the liquidity trap. *Brookings papers on economic activity*, 1998(2), 137-205..
9. Климовских Н.В., Харламова, Е. С. (2017). Оценка эффективности депозитной политики ВТБ24 (ПАО). *Инновационная наука*, (11), 82-84.
10. Одоева О. И., Гомбоева А.Н., & Постникова Л.В. (2021). Депозитные операции коммерческого банка: анализ современного состояния и тенденций развития. *Вестник Бурятского государственного университета. Экономика и менеджмент*, (2), 66-76.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

